

## Ғайридин учун ўқилган Қуръон



21:00 / 23.02.2019 3781

Италия томонидан Ливиядаги ишғол қилинган ерлар ҳоқими – Пьетро Бадольонинг дафн маросимида қатнашиш учун шаҳар олимлари-ю аъёнлари мажбурланди. Уларнинг орасида Шайх Мухтор Ҳурия ҳам бор эди.

Италияликлар унга Қуръондан оятлар ўқиб, Пьетро Бадольонинг руҳига бағишлашни талаб қилишди. Ливияликлар эса, агар шайх буни рад этса, бошларига тушадиган кулфатдан қўрқиб жим бўлиб қолишди.

Лекин шайх бу фикрни табассум билан қаршилади, ва:

﴿الْعَظِيمِ بِاللَّهِ يُؤْمِنُ لَأَكَانَ إِنَّهُ﴾ ﴿فَأَسْلُكُوهُ ذُرَاعًا سَبْعُونَ دَرْعَهَا سِلْسِلَةً فِي نَفْسِهِ﴾ ﴿صَلُّوا الْجَحِيمَ قُرْ﴾ ﴿فَعَلُوهُ خَذُوهُ﴾

**“Тутинглар уни ва кишанланглар уни! Сўнгра жаҳаннамга солинглар уни! Сўнгра етмиш қулочли занжирга киритинг уни! Чунки, у улуғ**

**Аллоҳга иймон келтирмаган эди”** (Ал-Ҳааққо сураси, 30–33-оятлар)ни ўқидилар.